



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 12 октябрь, № 216 (8559)

Пайшанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



«INDORAMA CORPORATION» КОМПАНИЯСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ РЕЖАЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 октябрь куни Сингапурнинг «Indorama Corporation» компанияси асосчиси ва раиси Шри Пракаш Лохия бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон иқтисодийнинг кимё, тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида йирик инвестор ва муҳим технологик ҳамкор бўлган ушбу компания билан ўзаро манфаатли шерикликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, «Indorama Corporation» томонидан мамлакатимизда пахта толасини етиштириш ва чуқур қайта ишлашга қаратилган йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Қўқон суперфосфат заводи модернизация қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари сингапурлик инвесторнинг Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, «Фарғона-азот» акциядорлик жамияти қувватларини кенгайтириш, тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш, тўқимачилик ва қишлоқ хўжалигида замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш режаларини қўллаб-қувватлади.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида компаниянинг мамлакатимизга тўғридан-тўғри инвестициялари умумий ҳажми ҳозирги 600 миллион доллардан 850 миллион долларга ошди.

Инвестициявий ҳамкорликнинг устувор лойиҳаларини илгари суриш бўйича «Йўл харитаси»ни қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ТУРИЗМ СОҲАСИ ВА «ЯШИЛ МАКОН» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 октябрь куни туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини ташкил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, туризм иқтисодиёт учун қўшимча ва туганмас манба. Шу боис ҳар бир давлат сайёҳларни жалб этишга ҳаракат қилади. Мамлакатимизда бу соҳага кенг имкониятлар яратилаётгани натижасида меҳмон ўринлари, саёҳат хўжалиги ва йўналишлари кўпайиб бормоқда.

Утган 8 ойда юртимизга хориддан 4 миллион 300 минг нафар турист келган, улардан 1 миллирдан 400 миллион доллар тушум бўлган. Қўшимча дам олиш кунлари ва чегирма берилгани натижасида ички сайёҳлар сони 15 миллион нафарни ташкил қилиб, ўтган йилдагига қараганда 2 баробар ўсган.

Туризм инфратузилмаси изчил ривожланмоқда. Жорий йилда 15 мингта янги меҳмон ўрни ташкил этилиб, уларнинг сони 137 мингтага етди. 540 та дам олиш ва кўнгилочар маскан барпо этилди, 70 та туризм маршрути очилди.

Шунингдек, 6 та хусусий авиакомпания иш бошлади, янги 23 та самолёт олиб келинди, 20 та халқаро ва 6 та ички қатнов йўлга қўйилди. Самарқанд аэропортида ҳафталик халқаро рейслар 46 тадан 85 тага кўпайди. 1 миң 300 та замонавий автобус харид қилиниб, 38 та йўналиш очилди.

Йиғилишда туристларни кўпайтириш бўйича янги имкониятлар муҳокама қилинди.

Авалло, қўшни давлатлардан, Россия ва Хитойдан сайёҳларни жалб қилиш учун қулай имконият борлиги таъкидланди. Хусусан, юртимиз вилоятлари Хитой провинциялари билан ҳамкорлик ўрнатган. Бундан фойдаланиб, худудларимиз туристик салоҳиятини тарғиб қилиб, Хитойдан йилгига 1 миллион сайёҳни жалб қилиш мумкинлиги айтилди.

Мамлакатимизга узоқ давлатлардан туристлар келиши ҳам кўпайган. Мисол учун, Ҳиндистон, Япония, АҚШ ва Италиялик сайёҳлар сони 3-4 баробар ошган. Биргина Хоразмга Испаниядан 40 миң турист ташриф бўлган. Лекин улар транзит орқали келаётгани сабабли ортиқча ҳаражат қилмапти. Агар Мадриддан юртимизга авиарейс қўйилса, туроператорлар сайёҳларни 4 қарра оширишга тайёрлигини билдирган.

Шу боис Транспорт вазирлигида хориддаги элчиларимиз билан бирга авиакатновларни кўпайтириш чораларини кўриш топширилди.

Қянда, 16 — 20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида илк бор Жаҳон туризм ташкилотининг БМТ ассамблеяси йиғилиши бўлиб ўтди. Унга 128 та мамлакатдан 1 миңдан зиёд иштирокчилар, шу жумладан, 79 нафар туризм вазирлари, 24 нафар вазир ўринбосари келиши кўтилмоқда.

— Бу тадбир мамлакатимиз туризм салоҳиятини кўрсатиш учун жуда катта имконият, — деди давлатимиз раҳбари. Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан соҳа вакиллари жалб қилиб, ҳар бир ҳудуднинг тарихи, табиати, маданияти, зиёратгоҳлари, овқатлари, сайёҳлик масканлари ва маршрутларини намойиш этиш, лойиҳалар тақлиф қилиб, келишувларга эришиш зарурлиги таъкидланди.

Туристларни жалб қилиш бўйича яна

Ў.А.

МАҚСАД — ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Пойтахтимизда «Қизлар — миллат таянчи» шиори остида «Сенинг ташаббусинг — сенинг келажагинг учун» номи республика форуми бўлиб ўтди. Анжуманда юртимизнинг барча ҳудудидан 200 га яқин хотин-қизлар қатнашди.

Мулоқот

Форум доирасида иштирокчилар Олий Мажлис Сенатига ташриф бўйиб, ёшлар қонун ижодкорлиги ҳамда Сенат ва унинг аъзолари фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

Учрашувда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаолигини ошириш, соғлигини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, эҳтиёжманд ола-сингилларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер тенглигини таъминлаш борасида тизимли ислохотлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидланди.

Тадбирда қайд этилганидек, БМТ Бош Ассамблеясининг 2011 йил 19 декабрдаги резолюциясига асосан 11 октябрь — Халқаро қизлар куни сифатида кенг миқёсда нишонлаб келинмоқда. Бу сана бутун дунёда қизларнинг яшаш шaroитлари, ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ ҳолатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини беради.



ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ЯРАТИШ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан навбатдаги «Ҳуқуқат соати» ўтказилди. Унда депутатлар «Умумий ўрта таълимни янги босқичга олиб чиқиш, таълим сифатини ошириш ва таълим дастурларини такомиллаштириш борасидаги вазифалардан келиб чиқиб соҳадаги бошқарув тизимини ташкил этишга қаратилган қонунчиликнинг бажарилиши ҳолати тўғрисида»ги масалани муҳокама қилдилар.

«Ҳуқуқат соати»

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан депутатларнинг саволларига мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари У. Шарифхўжаев жавоб берди.

Таъкидланганидек, Президентимиз раҳбарлигида кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини янада ривожлантириш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асо-

сида такомиллаштириш ҳамда уларнинг янги авлодини яратиш, ўқитувчи касбининг мақоми ва обрўсини кўтариш, уларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

«Ҳуқуқат соати»да Қонунчилик палатаси депутатлари мактаб таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, раҳбар



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МДҲ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 13 октябрь куни амалий ташриф билан Бишкек шаҳрида бўлади.

Саммит тадбирлари давомида МДҲ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, савдо, инвестициялар, санат кооперацияси, инновациялар, рақамлаштириш, транспорт, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари халқаро кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Йиғилиш якунида Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларига доир қатор битим ва қарорларни қабул қилиш кўзда тутилган.

Ў.А.

Президент сифатида дастлабки ишларимдан бири қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш бўлди. Йиллар давомида ечимини кутаётган муаммолар ҳал этилди. Бунинг натижасида Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳалардаги алоқаларимиз янги босқичга чиқди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН — ЧЕХИЯ БИЗНЕС ФОРУМИ

Тошкентда Ўзбекистон — Чехия бизнес форуми бўлиб ўтди. Анжуманда қишлоқ хўжалиги вазири Марек Виборний бошчилигидаги Чехия Республикаси делегацияси аъзолари, кўплаб хоржиклар ва маҳаллий экспертлар, ишбилармон доира вакиллари, олимлар иштирок этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Чехия капитали иштирокида 50 га яқин корхоналар фаолият юритмоқда. Жорий йил январь — август ойларида ўзаро савдо миқдори 2 ярим баробар ўсшига мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи Преференциялар бош тизими («GSP+»)га қўшилгани ҳам ёрдам берди.

Қайд этиш керак, форум икки мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар доирасида истиқболли режа ва ташаббусларни танлаб олиш, илгари суриш ҳамда Реестрга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини кўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштиришга қаратилган муҳим тадбирдир. Томонлар халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги стандарти, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни мониторинг қилиш тизими, экология ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сингари долзарб масалаларни кўриб чиқди. Шунингдек, экинни етиштириш ва қайта ишлаш дастурларини ишлаб чиқиш, тўғридан-тўғри ҳамда ўзаро етказиб беришнинг келишилган схемаларини шакллантириш, сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотни етказиб бериш учун самарали логистика шакллантириш зарурлиги айтилди.



Қардошлиқ ришталари

Икки дарё оралигида яшаган халқлар маданияти, урф-удумлари, одатлари ҳақида қадим юнон тарихчиларию бу заминга қадами этган арабу Чин сайёҳларига бой маълумотлар ёзиб қолдиришган. Уларнинг айримларида бу ўлкадан бойлик ортиришдек пинҳоний мақсадлар яширинган бўлса, бошқаларида тамаддунлар чорраҳасида китъаларни

боғлаш билан боғлиқ эзгу гоиялар мужасам эди. Нимаики бўлмасин, Буюк Ипаk ва нефрит йўлларида қарвонлар қатнови турли юртлару халқларнинг маданий-маърифий интеграциялашувига бекиёс улуш қўшганини кўпчилик миннатдорлик билан эътироф этади.

Ушбу муборак заминда тамал тоши қўйилган турли фанлар шарофатидан

камол топган сержио тафаккур самараси ўлароқ дунё Ренессанси уфқида инсониятнинг зулматли йўллари ёришди. Бу ҳодиса унга умидвор кайфият ва парвози юксак руҳ баҳшида этгани эса юксак маданият, маърифат манзил-мароҳилларига йўл очди. Бу маданий ҳодисаларнинг илдизларида ҳали ўз кашшофларини кутиб ётган сирли хазиналар бисёрлиги учинчи Ренессанс тақдимидаги бел боғлаган янги Ўзбекистоннинг илму маърифат, таълим-тарбия, қўни-қўшнилар билан дўстона алоқаларга суяниши эҳтиёжини янада юксалтирди. Этник жиҳатлар умумийлигидан ташқари, муқаддас ерда томир ёйган бир дарахтининг турли шохларида ягоналик аҳамият касб этгани эътироф этмай илож йўқ. Бу халқларни бир-бирига гиж-гижлаб ўртасига қандайдир нифоқ солиш истиаги эса уларнинг мейндек мустаҳкам иродасига очик майдонларда бас кела олмаган душманлар фитнесидан ўзга нарса эмас.



ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ЯРАТИШ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Мамлакатимизда амалга оширилган маъмурий ислохотлар натижасида мактабга, халқ ва ихтисослаштирилган таълим — ягона мактабга таълим тизими тизимга бирлашди. Хозирги кунда тизимда 10 мингдан ортиқ мактаблар, 30 мингдан зиёд боғчаларда 8,5 млн. нафарга яқин тарбияланувчи ва ўқувчиларга салкам 700 минг нафар педагог таълим-тарбия бериб келмоқда.

Шунингдек, вазирликнинг маъмурий аппарати, ҳудудий бошқарма ва бўлимларнинг тузилмалари ўзгартирилиб, мактабга ва мактаб таълими тизимининг вертикаль бошқаруви таъминланган. Таълим тизимининг бошқаришнинг самарали механизми жорий этилиши бўйича шу йил 26 май кунги қабул қилинган Президент Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Шу билан бирга, умумтаълим муассасалари бўйича статистик маълумотлар ва ҳисоботларни рақамлаштириш учун Мактабга ва мактаб таълими вазирлигининг Ягона электрон дастури (epr.maktab.uz) ишга туширилган.



Этиборлики, таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш борасида нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш бўйича ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, айни вақтда 383 та нодавлат умумтаълим ташкилотларида 85 минг нафардан ортиқ ўқувчилар таълим олмақда.

Халқ вакиллари бу борада қилинган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда таълим ташкилотларида кадрларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича қандай ишлар қилинди, деган савол билан мутасадди-га юзланди.

Мактабга ва мактаб таълими вазирлигининг биринчи ўринбосари ўз жавобига 2023 йилда бора бўйича 512 минг 809 ўқувчининг малакасини ошириш белгиланган бўлиб, бугунги кунга қадар 309 минг нафарнинг малакаси оширилганлиги таъкидлади. Жорий йил 8-9 август кунлари янги ўқув йилига тайёр-

гарлик, Президент мактабларининг илгор тажрибаларини жорий қилиш мақсадида маҳаллий ва халқаро экспертлар иштирокида 22 та умумтаълим фанидан иборат Миллий ўқув дастури яратилди. Мазкур дастурда 20 та компетенция мўқассамлаштирилган.

Муҳокамаларга бой бўлган “Ҳуқумат соати”да депутатлар томонидан соҳа истиқболига қаратилган бир қатор тақлифлар берилгани ҳолда кун тартибидagi масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

МАҚСАД — ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Форумнинг мақсади ҳам “Қизларжон” клублари фаолиятини тизимли ташкил этиш, қизларни илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, илмий тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш, улар орасида тадбиркорликни ривожлантириш, иқтидорли қизларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишдан иборатдир.

Учрашувда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари, 5 та устувор йўналиш ва 100 та мақсад, шунингдек, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодиёт ривож ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг асосий ҳуқуқий кафолати эканлигига эътибор қаратилди.

МАРКАЗИЙ ЧИҚИНДИ ПОЛИГОНИ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси Б. Алихонев томонидан Фарғона вилоятининг Данғара туманидаги “Қияли” МФЙ ҳудудида жойлашган марказий чикинди полигони ҳолати ўрганилди.

Сенатор ва ҳаёт

Мазкур чикинди полигони 1970 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, майдони 13 гектардан иборат. Бу ерда тулган чикиндилар микдори бугунги кунда 587 минг тоннадан ошиб кетган. Полигон яқин масофада бошқа муқобил чикинди ташлаш учун бўш ер майдонлари мавжуд эмаслиги боис ҳозирда Қўқон шаҳар ва Данғара туманидаги юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Натижада чикинди полигони Ўзбекистон тумани “Шўр сув” МФЙ ҳудудидаги санат зонасида 20 гектар ер майдонида ташкил этилаётган маиший ва қурилиш чикиндилари полигонига жойлаштирилади. Шунингдек, юқорида кўрсатилган полигонларни рекултивация қилиш ва экин майдонига айлантириш, уни маҳаллий ҳокимият заҳира ер майдонларига қайтариш режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН—ЧЕХИЯ БИЗНЕС ФОРУМИ



Шуёба мажлисида жаҳон иқтисодиётида рецессия эҳтимоли, кишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, транспорт ва муқобил энергетикага инвестиция киритиш мавзулари таҳлил қилинди. Халқаро молия марказларини ташкил қилиш тажрибасини ҳаётга татбиқ этиш, давлат корхоналарини трансформация қилиш, кишлоқ хўжалигида электрон тижоратни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳам белгилаб олдик. Жумладан, икки томонлама меморандум имзоланди. Бу ҳужжатда илмий йўналишда ҳамкорлик қилиш ҳам кўзда тутилган. Чехияда кўплаб ўзбекистонлик талабалар таълим оляпти. Шу боис айнан агар соҳадаги илмий муассасалар билан ҳам муҳим келишувларга эришдик.

Гўзал САТТОВА, ЎЗА мухбири.

Утган даврда мазкур Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Мактабга ва мактаб таълими вазирлиги томонидан салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, ҳудудларда 154 нафар малака-ли директордан иборат Директорлар кенгаши ташкил этилди.

Депутатлар соҳада олиб борилаётган ишларни эътироф этиб, таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий раҳбарлик қилишни бажариш, шунингдек, таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан саволлар беришди.

У. Шарифўжаевнинг айтишича, бугунги кунда тизимда 792 та мактабга таълим ташкилоти, 10 160 та умумтаълим мактаби, 14 та Президент мактаби, 9 та ижод мактаби, 182 та ихтисослаштирилган мактаб мавжуд. Уларнинг фаолиятини вазирликнинг тегишли таркибий бўлинмалари, Мактабга ва мактаб таълими агентлиги ва Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги мувофиқлаштириб боради.

САЙЛОВ ВА РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Сайловлар — демократия кўзгуси. Сайловлар орқали ҳар бир фуқаро жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита қатнашади ҳамда мамлакат тақдирига бефарқ эмаслигини намойён этади.

Янги қонун лойиҳаси

Шу боис фуқароларнинг мамлакат бошқарувида янада кенг иштирокини таъминлаш мақсадида сайлов қонунчилиги изчил такомиллаштириб боришмоқда. Халқимиз иродаси билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизда сайлов тизими оид қатор муҳим нормалар ўз аксини топгани бунга яққол мисолдир. Бинобарин, унда сайловларни профессионал, очиқ ва демократик тарзда ташкил этиш ва ўтказиш учун Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий мақоми янада мустаҳкамланди. Қолаверса, давлат бошқарувида меритократия тамойилларини татбиқ қилиш мақсадида айни бир шах сурункасига икки мўддатдан ортиқ Марказий сайлов комиссиясининг Раиси этиб сайланиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Айтиш керакки, бундай янги конституциявий нормалар соҳани тартибга солуви махсус қонунларда ҳам ўз аксини топиши лозим. Чунки Конституциямизнинг 16-моддасига мувофиқ биронта қонун Конституция нормаларига зид бўлиши мумкин эмас. Бугунги кунда мамлакат ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини ҳамда фуқароларининг сиёсий фаоллигини ошириш долзарб масалалардан саналади. Шу боис уларнинг давлат ҳокимиятини шакллантириш жараёнида муайян ғоя ва мақсадларни кўзлаб иштирок этишларини таъминлаш мақсадида аралаш сайлов тизимига ўтиш тақлифи анчадан бери илгари суриб келинаётганди. Бунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлик ўрнининг 50 фоизи мажоритар, яъни ҳозиргидек муайян округлар бўйича энг кўп овоз олган номзодлар сайланиши, қолган 50 фоизи эса пропорционал, яъни аниқ бир шахсга эмас, балки партиёга овоз бериш орқали, партиялар томонидан кўрсатилган рўйхат асосида номзодлар сайланиши назарда тутилади.

Бундан ташқари, ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида етти фойз овозини олган партия белгиланган тартибда депутатлик ўринларига эга бўлиши ўрнатилмоқда. Агар ҳеч қайси партия камида етти фойз овозини тўплаган бўлса, сайлов ўтмаган, деб топилиши назарда тутилмоқда.

Янги ташкил этилган вилоятнинг халқ депутатлари Кенгашига сайлов ўтказиш тизими оид қонунлар такомиллаштирилмоқда. Жумладан, амалдаги Сайлов кодексида маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш учун тузилмаган сайлов округлари сонининг энг юқори микдори белгиланган бўлиб, округлар сонининг аниқ микдори кўрсатилмаган. Шу сабабли лойиҳада маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш учун сайлов округлари тегишли депутатлик ўринларига тенг микдорда тузилиши, депутатлик ўринлари сони эса аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда аниқ белгиланмоқда.

Сайловчилар рўйхатининг долзарблиги ва аниқлигини доимий равишда таъминлаш мақсадида сайлов округлари ва участкалари ҳар беш йилда бир марта тузилиши йфодаланяпти.

Яна бир жиҳат — ягона сайлов округи бўйича сайловчиларнинг овози асосида депутатлик ўринларини партиялар ўртасида тақсимлашнинг аниқ тартиби ўрнатилмоқда. Бунда, пропорционал сайлов тизимида етти фойзлик чегарадан ўтган партияларга ёқлаб берилган умумий овозлар сони 75 та депутатлик ўрнига бўлинади ва ундан чиққан рақам сайлов коэффициенти ҳисобланади. Сунгра ҳар бир партияга ёқлаб берилган овозлар сони мана шу сайлов коэффициентига бўлинади. Ундан чиққан сон эса ҳар бир партияга бериладиган депутатлик ўрнига тенг бўлади. Агар яқлиб бўлмаган қолдик сонлар вужудга келиб, бунинг натижасида баъзи депутатлик ўринлари тақсимланмасдан қолса, уларни ҳам тақсимлаш тартиби аниқ очиб берилмоқда.

Учинчидан, Сайлов кодексида сайлов комиссияларининг вертикал тизимини назарда тутувчи қонунлар, хусусан, “Марказий сайлов комиссияси — ҳудудий сайлов комиссияси — туман ва шаҳар сайлов комиссияси — округ сайлов комиссияси — участка сайлов комиссияси” тизимаси тақлиф этилмоқда. Бунда вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ўрнига ҳудудий сайлов комиссиялари тузилиши назарда тутиляпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларини тузиш тартибидан воз кечиш ҳамда уларнинг вазифаларини ҳудудий сайлов комиссияларига юқлаш тақлиф этилмоқда.

Сайлов комиссияларининг профессионал тарзда иш олиб боришини таъминлаш мақсадида ҳудудий сайлов комиссияларининг доимий асосда ишловчи аъзолари сони 7 нафардан 9 нафарга оширилмоқда ҳамда жамоатчилик асосидаги аъзолари фаолияти тугатилмоқда. Яъни Марказий сайлов комиссиясининг барча 9 нафар аъзоси доимий асосда ишлаши тақлиф этиляпти.

Бундан ташқари, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларни рўйхатга олиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловиде тегишли худуд бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ва бошқа шу қабилар ҳам ҳудудий сайлов комиссияларининг ваколатига киритилмоқда.

Тўққизинчидан, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш мақсадида участка комиссияси биносиде танишиб чиқиш учун осылдаган сайловчилар рўйхатига ҳар бир сайловчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йилини кўрсатиш билан чекланиш тақлиф этилмоқда.

Учинчидан, сайлов қонунчилигига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, референдумга оид қонун ҳужжатлари ҳам такомиллаштирилмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонунда референдум округларини ва округ комиссияларини тузиш тартиби бекор қилиниб, округ комиссияларининг вазифаларини вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссиялари амалга ошириши тақлиф этилмоқда. Сайлов кодексида мувофиқ, тузилган сайлов участкалари референдум ўтказиш даврида референдум участкалари ҳисобланishi белгиланяпти.

Сайлов кодекси талабларидан келиб чиқиб, амалдаги чекловлар билан бир қаторда кўшимча равишда депутатлар, сенаторлар, ҳоким ўринбосарлари, бошқа сайлов комиссияларининг аъзолари, оғир ёки ўта оғир жониятлари учун судланганлик ҳолати мавжуд бўлган фуқаролар ҳам референдум участкаси комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланмоқда.

Умуман олганда, мазкур Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунчиликни янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мувофиқлаштирилади, парламентни шакллантиришнинг янги замонавий тизимини йўлга қўйди ҳамда ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг иштироки ва ролини оширди.

Жаҳонгир ШИРИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси.



Этироф

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИРИНЧИ ҚИРГИЗ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА КАТТА ЎРИН ТУТГАН

Қирғизистоннинг нуфузли "АКИпресс" ахборот агентлиги томонидан Қирғизистон университетлари ассоциацияси раиси, Евроосиё университетлари уюшмасининг вице-президенти, филология фанлари доктори, профессор Абдилла Мусаев қаламига мансуб "Қирғизистон — Ўзбекистон: маданий-гуманитар, илмий ва маърифий алоқалар" сарлавхали мақола эълон қилинди.



"Бугунги кунда Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатлари сифат жиҳатдан янги bosқичга қўтарилгани ҳолда аниқ-қўрашан мазмун касб этиб, икки томонлама алоқаларни, яхши қўшничилик ва ишонгли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қирғизлар ва ўзбеклар яқин қўшнилар сифатида асрлар давомида ўзаро тинч ва тотувликда ёнма-ён яшаб келишмоқда. XVIII асрдан бошлаб қирғизларнинг ўзбеклар билан сиёсий алоқалари раванқ толиб бормоқда. Буларнинг барчаси халқларимизнинг умумий дин, тил ва урф-одатларига асосланган тарихий тақдирларининг муштараклиги ва ўзаро боғлиқлигида далolat беради", деб ёзади муаллиф.

А. Мусаев ўз мақоласида Қирғизистонда Алишер Навоий ёзган ўлмас сатрларни билмайдиган одам йўқлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" ҳамда бошқа кўплаб асарлари қирғиз халқи орасида кенг тарқалгани ҳолда жуда катта шўхрат қозониб, уларнинг муҳаббатига сазовор бўлган. Қирғиз болаларига Навоий шеърларининг қаҳрамонлари — Ширин, Лайли, Искандар исмлари билан ном берилиши бунинг тасдиғидир.

Экспертнинг фикрича, XX аср бошларида Ўзбекистон таълим муассасалари биринчи қирғиз зиёлиларининг шаклланишида катта ўрин тутган. Бу даврда Қирғизистонда ёрқин шахслар — мамлакат маданияти ва илм-фанига катта ҳисса қўшган илмий, ижодий ва техник зиёлилар вакиллари пайдо бўлди. Уларнинг аксарияти Тошкент шаҳридаги гимназия, мактаб-интернат, университет ва институтларда таълим олган.

Хулоса қилиб айтганда, тўғридан-тўғри университетларро алоқаларни ўрнатдиш орқали таълим соҳасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. "Мавжуд икки томонлама шартномалар туфайли ўқувчилар, мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича қўшма ишлар олиб боришмоқда, талабалар, ўқувчилар ва тадқиқотчиларнинг ўзаро алмасуви йўлга қўйилмоқда", дея хулоса қилади муаллиф.

«Дунё» АА. Бишкек

Шойим БЎТАЕВ («Халқ сўзи»).

Яшаш тарзи, касбу кори, орзу-истаклари, оламни идрок этиши, дунёқараши ҳар қандай шароитда ҳам бир-биридан йироқлаб кетмаган ва кета олмайдиган Марказий Осиё минтақасининг бугунги интеграциялашув жараёнида, шу сабабли, давлат раҳбари сифатидаги фаолияти бошланишидаёқ "Ягона тарих — умумий келажак" шioriни ўртага ташлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг аҳамиятли фаолияти ўз натижаларини бера бошлади. Тил ва ҳудуд жиҳатдан бир-бири билан жуда яқин бўлган минтақа давлатлари ўртасида кейинги пайтларда умумжаҳон сиёсатининг долзарб муаммоларини биргаликда баҳамжихат ҳал этишга қаратилган учрашувлар, маданий-гуманитар соҳаларда алоқаларни мустахкамлаш учун ташкил этилаётган тадбирлар бунинг ёрқин мисолидир.

— Яқинда бир оғуш олим, ижодкор ва журналистлар Бишкекда бўлиб ўтган Ҳамдустлик мамлакатлари зиёлиларининг XVI анжуманида иштирок этиб қайтдик. — дейди "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири, таниқли шоир ва таржимон Хумоюн Акбаров. — Анжуман дастуридан жой олган тадбирларда иштирок этиш жараёнида кўни-қўшни давлатларнинг, оғани халқларнинг бир-бирини тўқниб, бир-бирига ҳамдард бўлиб ҳаёт кечирishi уларга қанчалик куч-қувват бахш эта олишига ишон ҳосил қилдик. Қайси республикадан келган бўлмасин, анжуман иштирокчилари кейинги пайтларда чегаралардан ўтиб-қайтиш енгиллашиб, қавму қариндошлар ўртасида борди-келди алоқаларининг илгартиридек бардавом бўлиб бораётганидан миннатдор эканликларини сезиш қўйин эмасди. Маълум вақтларда ўртадаги узалиш тараққиётимизга, дунё билан интеграциялашувимизга салбий таъсир қилди. Бундай жазолар дунёга ўзини улғу маърифатпарвар элларнинг авлодлари деб тақдим этишга уринаётган халқлар учун асло муносиб иш эмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг юксак ҳурмат-эҳтиромини бежиз эмас. Улар самимият билан, "Бўлар экан-ку, бунинг муаммо жойи йўқ экан-ку, ўн йиллар давомида оғани, қавму қариндошлар бир-биримизни кўра олмайд ота-боболаримиздан қолган ўз еримизда асирга тушган каби симтўсиқлар ортида сарсону саргардонликларимиз ортда қолгани чин бўлсин", демоқларди. Бундай эътирофлар замирида бир ширван нафас олиб, бир дарёдан сув ичган қўни-қўшни, қавму қариндошларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани шукронаси ҳам ётади.

Буни ҳозирги кунда минтақамизнинг барча давлатлари, жумладан, қўшни Қирғизистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбекистон билан Қирғизистон халқлари ўртасида ўн йиллар давомида яхлаб қолган музлар эриб, икки оғани-ини ўзбек — қирғиз халқлари ўртасидаги алоқалар Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қайта тикланди. Икки давлат ўртасидаги барча чегара ўтиш постлари тўлиқ очилди, икки эл вакиллари бир-бирига эмин-эркин бориб келиши йўлга қўйилди. Кўпдан буюн очилмай келган сувдан ва қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш масалалари ҳам ечим топти. Ўзбек — қирғиз халқлари ўртасидаги қардошлиқ ришталари янада мустаҳкамланди. Бундан беш йил аввал, Президентнинг томонидан "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарор эълон қилинган эди. Ундаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айни пайтда бугун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди", деган эътироф кейинчалик янада кенгайиб, Қирғизистон ҳам аъзо бўлган Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятида, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) томонидан амалга оширилган самовий ишларда ўз ифодасини топти. "Туркий адабиёт дурдоналари" 100 жиллик асарлар тўпламининг 9 жилдин икки қисми адабиёт ташкил эди.

Чингиз Айтматов, шубҳасиз, ўзбек халқининг энг яқин дўсти эди. "Чўққидан қолган овчининг оҳу зори" асаридан ўтган асрининг сўнгги чорағида ўз берган, "Уш фожалари" номи билан ўзбек — қирғиз халқлари тарихида қайғули из қолдирган мурхид ходисалар ҳақида шундай ёзади: "Вазият кундай равшан: ҳар икки қардош халқ бир-бирининг ёқисига ёпиқлиб туришарди. Қарама-қаршиликни қандай қилиб бартараф этиш мумкин? Қўтиллаганда аланга олиб кетган низоми қандай йўсинда тўхтаб қўлади? Бизни ана шундай муаммолар қийнаб эди. Ҳар бир соатда янги хабар етиб келарди: юрак-бағримиз ўртаниб, амалий ҳаракатга шошилар эдик.

"Фаргона водийсидаги ўн минглаб ўзбеклар Уш томонга боришяпти!". "Кечаги кундан элтиборан Олой қирғизлари отларига миндилар!". Шунда мен Ўзбекистондаги ҳар хил жамоат ташкилотларининг раҳбарлари:

га: "Келинлар, оғанилар, сизники но-тўғри, меники тўғри деган мунозарани бас қилайлик. Ростини айтсак, ҳаммамиз айбдормиз. Вазиятни мураккаб-лаштиришдан фойда йўқ", дедим. Барча менинг фикрларимни бир овоздан қўллаб-қувватлади".

У мурхид воқеалар ортида қимлар туриб, қандай манфаатлари кўзда тутилган вақт ўтган сайин оқинлашиб, ўз баҳосини олди. Аммо ўшанда хиссиётга берилган томонлардаги вазиятни таҳлил этиб, тўғри баҳолаш олиш учун Чингиз Айтматовнинг улғу Шахс эканлиги кўл келган эди. Ўз асарларида ёниқ қалб билан жамиятнинг оғриқли масалаларига мурожаат қилиб, "инсон нима учун яшайди, ҳаёт йўлимиз эзгуликдан иборатми-ёвузликданми, келгуси авлодлар бизга қандай баҳо беради, инсониятга таҳдид солаётган хатарлардан қандай қутулиш мумкин?" сингари глобал муаммоларга санъаткор сифатида жавоб излашдан толқилмаган Чингиз Айтматов қондошу жондош оғанининг бошига таҳликали оғир кунлар тушганида, албатта, бир четда томошабин бўлиб қараб туролмасди. У адиблиқ қисмати қондош ва жондош халқлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ кетганини теран англаган буюк Санъаткор ва улғу Шахс эканлигидан ҳаётлик чоғидаёқ абади-ятга даҳлдор бўла олган эди.

"Уш вилоятига бориб, шарт-шароитлар билан таниганимдан сўнг, мен республика телевидениеси орқали Ўзбекистон халқига мурожаат қилдим. — дея давом этади Чингиз Айтматов. — Бу ҳодиса нимадан бошлангани, агар низо кучайиб борадиган бўлса, охири жуда ёмон бўлиши мумкинлиги тўғрисида диллимда бор гапларимни очик-ойдин айтдим. Уша пайтда менинг ёнимда Одил Ёқубов билан Пириккул Қодиров ҳам ўтирган эдилар. Улар ҳам менинг фикрларимни қувватлашиб, бугун ўзбек халқини босиқликка чақирдилар".

Бугун бу улғу адиблар ораимида йўқ. Аммо уларнинг ёзган асарлари, амалга оширган ишлари яна оғани бўлиб бирлашган халқларимиз қалбидан мангу яшаб, халқларимиз дўстлигига хизмат қилинади. Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига Чингиз Айтматов номи берилиб, унинг барельефи ўрнатилди. Паркент туманидаги 33-умумтаълим мактабида адиб бюсти қўйилди.

Автомобил, қишлоқ хўжалиги техникаси, ўғит, машиини техника, тўқимачилик ва қурилиш материалларининг қирғизларга Ўзбекистон томонидан етказиб берилиши, ўз навбатида, у ердан кўмир, гўшт, сут, мewa ва сазавот, трикотаж маҳсулотларининг юртимизга келтирилиши ҳар икки томон учун ҳам манфаатли ҳисобланганидан ташқари, бундай борди-келдилар ижтимоий-гуманитар соҳаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Давлатимиз раҳбарининг "Чегараларимиз дўстлик ва яхши қўшничилик кўпиригига айланганига астойдил ишонаман", деган сўзлари замирида халқларимизнинг азалий орзу-умидлари ётади. Марказий Осиё минтақасига тоза нафас, тоза ҳаво кириб келди.

— Ўзбекистон Ҳамдустлик мамлакатлари ижодкорлари учун ҳам олтин бешик вазифини ўтаган, десам, муболаға бўлмайди, — дейди Қирғизистон халқ ёзувчиси Мар Байжиев. — Шахсан ўзимнинг бир неча асарларим ўзбек кино ижодкорлари томонидан тасвирга олиниб, халқаро таваллуларда юкори баҳо-ланган. "Манас, Семетей, Сейтек" номи-ли достоним ўзбек тилида чоп этилган. Бу каби ҳамкорлик ришталари бундан буюн ҳам кенг илдири отади, деган умид-даман.

Марказий Осиё мамлакатларининг транзит салоҳиятинидам самарали фойдаланиш барчага бирдек фойда келтиради. Минтақанин қоқ марказида жойлашган Ўзбекистоннинг бу борадаги фаолияти узокни кўзлагани билан аҳамият касб этади.

— Президентимизнинг миллатлараро муносабатлар соҳасида олиб бораётган сиёсати асосини бағрикенглик таъминлилари ташкил этади, — дейди Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази раиси, "Эл-юрт хурмати" орденни соҳиби Раҳматилла Жабборов. — Сўнгги олти-етти йил орасида миллий маданий марказларга эътибор кучайди. Буни биз юракдан ҳис қилиб турибмиз. Айниқса, 2005 йилга қадар мамлакатимизга келиб доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон фуқаролиги берилиши бу кунларни оруз қилиб яшаганларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишларнинг тасдиғи сифатида намоён бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 300 минг нафар қирғиз истижомат қилади. Маданий марказимизнинг Андижон, Фаргона, Наманган, Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги бешта бўлинимаси фаолияти йўлга қўйилган. Бу марказларда қирғиз миллати маданияти, анъаналари, урф-одатлари ҳамда тилини ривожлантириш мақсадида халқ оғзаки ижодиёти, миллий ва жаҳон маданиятининг гавҳари бўлиши "Манас" достонига катта эътибор қаратилади. Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг таниқли фан ва санъат арбоблари билан уч-

рашувлар, китоблар тақдимотлари ўтказилади. Ҳозир Ўзбекистонда 51 та мактабда таълим қирғиз тилида олиб борилади ва улар учун қирғиз тилида дарсликлар чоп этилади. Андижон давлат университетида қирғиз тили ва адабиёти таълим йўналиши мавжуд. "Ўзбек — қирғиз" дўстлик кечаси, "Айтишув" оқинлар танлови, Ўзбекистон миллий теле-радиокомпаниясининг қирғиз ва бошқа тилларда эфирга узатилувчи "Ягона оилада" телекўрсатувлари ва "Эламан", "Мин-қиял" радиодастурларида Ўзбекистонда яшовчи қирғизларнинг ҳаёти ҳақида хикоя қилиб борилади. Андижондаги "Дўстлик", Сирдарёдаги "Жан-жаной", Намангандаги "Сулус қиз", Жиззахдаги "Маржон" ансамбллари ижросидаги кўшиқлар ва рақсларга қизиқш катта. Жиззах вилоятининг Дўстлик ту-



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг юксак ҳурмат-эҳтиромини бежиз эмас. Улар самимият билан, "Бўлар экан-ку, бунинг муаммо жойи йўқ экан-ку, ўн йиллар давомида оғани-ини, қавму қариндошлар бир-биримизни кўра олмайд ота-боболаримиздан қолган ўз еримизда асирга тушган каби симтўсиқлар ортида сарсону саргардонликларимиз ортда қолгани чин бўлсин", демоқларди. Бундай эътирофлар замирида бир ширван нафас олиб, бир дарёдан сув ичган қўни-қўшни, қавму қариндошларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани шукронаси ҳам ётади.

манидаги "Манас" қишлоқ фуқаролар йиғини Маданият саройи ҳошида 2018 йилда ташкил этилган "Маржон" гуруҳи Маданият вазириликнинг "Хаваскорлик халқ ансамбли" дипломини олишга муваффақ бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, юртимизда яшаётган барча миллат вакиллари қатори қирғизлар учун ҳам муносиб турмуш шароити яратилган. "Обод қишлоқ" дастури доирасида Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги Манас қишлоғида 6,5 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган қишлоқ беш йил бурун атиги 45 кунда гўзал шаҳарчага айлантирилди. Ташкил этилганига олти йилдан ошган эса-да, асосан, деҳқончилик билан машғул аҳоли учун кўпгина шароитлар етарли эмасди. Қишлоқ кўчалари, ичимлик суви, электр энергияси, иссиқлик таъминоти, маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари талаба жавоб бермай қолган эди. Манас қишлоғи мамлакатимизда бошланган "Обод қишлоқ" дастурини татбиқ этишда намуна сифатида тарихда қолди. Инфраструктура иншоотлари, куча ва йўллар, ичимлик суви, иссиқлик, электр энергияси таъминоти, маданий-маиший хизмат кўрсатиш талаба жавоб бермай қолган эди. Манас қишлоғи мамлакатимизда бошланган "Обод қишлоқ" дастурини татбиқ этишда намуна сифатида тарихда қолди. Инфраструктура иншоотлари, куча ва йўллар, ичимлик суви, иссиқлик, электр энергияси таъминоти, маданий-маиший хизмат кўрсатиш талаба жавоб бермай қолган эди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти салкам юз йиллик тарихга эга бўлган мактабимизга янги бино қуриб бердилар, — дейди мактаб директори ўринбосари Ойжарқин Мамитова. — Мактабнинг янги биноси очилмасдан олдин ўқувчиларимиз сони 900 нафар бўлган бўлса, кейинги беш йилда болалар сони 600 нафарга ошди. Қирғиз тилида таълим олиб бориладиган бу мактабда ўзбек тилига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбек тили ва адабиёти хонаси чиройли жиҳозлаб, ўзбек ва қирғиз тилидаги синф кутубхонаси ташкил этилган. Кутубхонада Навоий асарлари кўп жилдиги алоҳида

ётқизилди. Сув тарқатиш иншоотлари таъмирдан чиқарилди. Иккита умумтаълим мактаби таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Ушбу мактабларда ўқув-ишлаб чиқариш устанонаси барпо этилиб, дурадгорлик, чилангарлик, тикувчилик дастгоҳлари билан таъминланди. Ўнлаб болалар майдоналари, иккита минифутбол майдони, 250 ўринли стадион барпо этилди. Хотин-қизлар бандлиги таъминлишини учун "Жиззахпахтасаноат" акциядорлик жамиятининг 100 ўринли, "Заминтек" масъулияти чекланган жамиятининг 20 ўринли тикувчилик цехлари қурилиб, қишлоқ хотин-қизлари ишга жойлаштирилди. Иссиқхоналар, кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларнинг молларини боқиш учун юз бошга мўлжалланган замонавий ферма, бу ерда ветеринария пункти иш бошлаган

ни авваллари ҳаёлга келтириб бўлмас ишлар эди. Ўнлаб савдо дўконлари, новвойхона, ҳаммом барпо этилди. 500 ўринли "Манас" маданият саройи тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, маданий-маърифий масканга айлантирилди. Қишлоқ врачлик пункти қайта реконструкция қилиниб, унинг ўрнида 500 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиника очилди. "Айчурек" номидаги 125 ўринли мактаб-гача таълим муассасаси Жанубий Корея стандарт асосида ташкил этилди.

Хуллас, Манасда шаҳарлардагидан қолишмайидиган шарт-шароитлар яратилди. Бу ерда амалга оширилган кенг қўламли ободончилик ишлари "Обод қишлоқ" дастурида қишлоқлар аҳолисининг турмуш даражасини ошириш мақсади оқилона қараб олиганини намоён этади.

"Хиндистондаги қудрати унинг босиб олган ерлари билан эмас, у хинд халқининг кўнглида уйғота олган ҳурмат-эҳтиром билан ўлчанади"ган (Қамар Раис, жамоат арбоби ва адабиётшунос) Мирзо Бобурнинг "Бобурнома" асаридан ҳозирги Қирғизистон Республикаси ҳудудидидаги Уш шаҳри ва Сулаймонтоғ ҳақида ҳам муҳим маълумотлар ёзиб қолдирилган. Бугунги кунда тоғ тепасида жойлашган Сулаймонтоғ тарихий-археологик музей-мажмуаси ҳамда XVI асрдан қурилган, халқ орасида "Бобурнинг оқ уйи" номи билан машҳур қичкор хона ва айвондан иборат намозгоҳ сайёҳларни ўзига чорлаб, улғу ўзбек шоирининг "Яхши кишиларни Яратган яхши дўстлар билан сўйлани", деган сўзларини эслабди тургандек бўлади. Ушда Ўзбекистонлик қурувчилар 2018 йилда қуриб фойдаланишга топширган 18-умумтаълим мактаби қираверишида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Дунёдаги энг катта бойлик — ёшликда олинган билим ва эгалланган касбухонадир", деган сўзлари кўзга ташланган тўради.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти салкам юз йиллик тарихга эга бўлган мактабимизга янги бино қуриб бердилар, — дейди мактаб директори ўринбосари Ойжарқин Мамитова. — Мактабнинг янги биноси очилмасдан олдин ўқувчиларимиз сони 900 нафар бўлган бўлса, кейинги беш йилда болалар сони 600 нафарга ошди.

Қирғиз тилида таълим олиб бориладиган бу мактабда ўзбек тилига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбек тили ва адабиёти хонаси чиройли жиҳозлаб, ўзбек ва қирғиз тилидаги синф кутубхонаси ташкил этилган. Кутубхонада Навоий асарлари кўп жилдиги алоҳида

Ўз навбатида, қомил ишонч билан айтаемизки, улғу Тангриотнинг қор аримас юксак чўқилари оқ қалпоқ каби ўзига чорлаб, дўсту қардошлиқнинг абадий наваларини таратиб туради. Мангу қуламас оқ чўққилар бирдамлик каби илдири отгани учун ҳам мустаҳкамдир.

эъзоз билан сақланади. Ўзбекистондан борган ижодкорлар томонидан тўхта этиладиган китоблар ҳисобидан ҳам у бойиб боради. "Навоийхонлик" тадбирлари, ўзбек ва қирғиз адибларининг ижодида бағишланган учрашувлар мунтазам ўтказиб борилиши икки халқ дўстлигининг аҳамияти болалар онгига сингишига хизмат қилади.

Захириддин Мухаммад Бобур номидаги Уш давлат ўзбек академик музика-ли драма театри аввал шахар маданият марказининг эски оддий биносида фаолият юрита эди. 2021 йили ҳар икки мамлакат Президентларининг келишуви билан театр биноси ўзбекистонлик қурувчилар томонидан қайта бунёд этилди. Бино қурилиши ва уни замонвий жиҳозлар билан таъминлишини учун Ўзбекистон томонидан 7 млн. АҚШ доллари ажратилди.

— Бунёдкорлар бизга театр биносига қўшимча қилиб "Мақомчилар" ансамбли учун замонавий овоз ёзиш ускуналари билан жиҳозланган қўшимча бино ҳам қуриб беришди, — дейди театр директори Аъзам Раҳим. — Биз биламиз, ҳозир Ўзбекистонда маком санъатида катта эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада ҳам ҳамкорлигимиз ривожланиб бораверади. Санъат халқларни бирлаштиришда энг самарали таъсир кўрсатади. Зеро, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг

Ишқ тили рубоб тилдек сир эмиш, Турку арабу юнонга бир эмиш, —

деган мисралар замирида ҳам ана шу бирликка даъват ётади.

— Аввал андижонлик севимли санъаткор Нуриддин Ҳамроқуллов билан ижодий ҳамкорлигимиз бор эди, аммо орада 30 йилга яқин алоқаларимиз узилиб қолди, — дейди Қирғиз Республикасида хизмат кўрсатган артист Дилором Соипова. — Мен ҳам, бастакор, шоир сифатида ижодим ривожига катта таъсир кўрсатган турмуш ўртоғим Маъмуржон Шокиров ҳам дўстаримиз билан ижодий муносабатларимиз узилиб қолганидан кўнглимиз хира эди. Мана, энди театрда спектакллари сахналаштиришда ҳам, қўшиқчи сифатида ҳам қизгин иш фаолиятида эканми-да ҳамкорларимиз бизга театр биноси қуриб беришди. Буни авваллари тасаввур ҳам этиб бўлмасди. Биз қадам қўйган янги босқич барчамизга бахтасодат олиб келишига ишонаман.

Эндиликда Уш шаҳридаги ўзбек мактаблари учун дарсликлар яратиш марказида Қирғизистон Фанлар академияси академиги, техника фанлари доктори Мухаммаджон Мамасалиев ўзбек тилидаги дарсликлар яратиш жараёни, муаллифлар билан ишлашда икки давлат олимлари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишаётганидан хурсанд.

— Авваллари Ўзбекистондан дарсликлар олардик, — дейди у. — Ҳозир бунинг иложи бўлмапти, ёзувларимиз турлича, яна бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Келгусида уларга ечим топиш йўлидан боришимиз лозим. Ҳа, илм — ақлнинг ақлга тутган чирғи. Қадим битиклардан тортиб улғу зотларнинг баътларигагина инсониятни тинч-тотувликда яшашга ундаб келади. Туркий халқларнинг улғу шоири, буюк мутафаккир бобомиз ҳазрат Алишер Навоий:

Азар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур, Муайян турк улуси худ мешиндур, —

деган бўлса, орадан беш аср ўтиб, Қирғизистон халқ шоири, Қирғизистон Фанлар академияси академиги, қирғиз ёзма адабиёти асосчиларидан бири Аали Тўқумбоев:

Алишер, сенинг тилинг — менинг тилим, Алишер, сенинг дилинг — менинг дилим. Кел, бирга жүр бўлайлик, орузларинг Очилди чаман бўлиб мана бузун, —

деган сатрлари орқали буюклар қононасида халқларни бирлаштириб турадиган муҳим жиҳатларга эътибор қаратади. Чингиз Айтматов эса 1988 йилда "Правда" газетасида эълон қилинган "Омонлик дарахти" номи мақоласида юксак ифтихор ва ғурур билан шундай тарихий сўзларни қолдирганди: "Қадим-қадим ўзбек маданиятининг ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини қўнға Византиянинг қадимики Русга кўрсатган таъсири билан қийслаш мумкин. Советга келган булган даврларда ва совет даврида ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз ва юзимиз бўлиб келган. Биз Туркистон тоғлари ва кенг қўла-рида бирга яшаймиз. Ўзбек халқи ўзининг гўзал миллий хусусиятлари билан ҳеч қандай шак-шубҳасиз барча тан олган шундай хурматга лойиқ".

«СУВДАН ҚАРЗИМИЗ ЙЎҚ, ЛЕКИН...»



Аҳолини марказлашган ҳолда ичимлик суви билан таъминлаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда бугун мамлакатимизда бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Долзарб мавзу

Шундай бир муносабат асосида «Қашқадарё сув таъминоти» МЧЖнинг Қарши туманидаги бўлимида бўлди. Эрта тонгдан бу ерда тумонат одам йиғилган. Уларнинг аксарияти бир масала — номига ёзилган қарздорлик ҳақида эмас...

Шухрат Рўзиевнинг тушунтиришича, бу «база»нинг иши. — Истеъмолчи ҳисоблагични ўрнатгач, унинг кўрсаткичларини ҳар ой uszuv.uz сайти орқали базага киритиб бориши керак...

Туманнинг Тўрақул қишлоғида яшовчи яна бир ғуруҳ аҳолининг эътирози эса «база»га эмас, балки сув таъминоти бўлими ходимларидан. Уларнинг айтишича, ҳудудга марказлашган қувур орқали сув талаб даражасида бўрмай қўйган...

Афсуски, бу ҳолатга на туман сув таъминоти бўлими раҳбари ва на бўлим бош муҳандисидан жўяли жавоб ололди. Улар ҳолатни қайта ўрганиб кўришлари кераклигини айтиш билан чекланишди...

Муаммодан хабардор. Бундан олдин ҳам ушбу муносабатларнинг тармокдан узилганлиги, уларга ҳисобланган қарздорлик норéal эканлиги тўғрисидаги далолатномага имзо чеккан. Бироқ аҳоли бу ҳақда бўлимга расман ариза билан муносабат қилмагани учун...

Хоразм томонларда «Хавфсиз Болалик» Концепцияси

Ўқувчи ёшлар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг ва турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан «Хавфсиз болалик» концепцияси ишлаб чиқилди.

Унда белгиланган чоратадбирлар доирасида қисқа муддатда вилоятдаги умумтаълим мактабларига тўташ автомобиль йўлларига 150 та сўний нотекистик, 316 та видеокузатув мосламаси, тезликни чекловчи 215 та йўл белгиси, 478 та ташвиш тугмаси ўрнатилди.

Хуқуқий ёрдан кўрсатиш марказида «Хавфсиз болалик» концепцияси бўйича тарбиялаш ишлари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг бекорчиликдан ёт гоғлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида мактабларда хорижий тилларни ва турли касбларни ўрганиш бўйича тўғарақлар очилди.

СИТУАЦИОН МАРКАЗ ИШГА ТУШИРИЛДИ



Тупроққалъа туманининг Муҳаббат маҳалласи жиноятчилик кўрсаткичлари юқори бўлгани учун «қизил ҳудуд» тоифасига киритилган. Шу боис маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида туман ички ишлар бўлими томонидан фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Маҳалладаги 6 та кўчага қирғичча 82 та тунги ёриткич ва 45 та кузатув камераси ўрнатиляпти...

инспекторларига ёрдამчи сифатида аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан 5 нафар жамоатчи ходим жалб этиляпти, хизматлар фойдаланиш учун электроскутерлар билан таъминланди.

Утилизация ЭКСПОРТ 5 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ЕТАДИ

Маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш ишларининг самарали ташкили этилиши экологик муаммоларни бартараф қилиш билан бирига, иқтисодийга ҳам катта фойда. Шу боис Сурхондарё вилоятида бу борада бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Булardan бири — Денов туманидаги «Абулфайз-Мирақбар» корхонаси томонидан чиқиндиларни қайта ишлаш орқали дондор маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Корхонада йилгига бир ярим тонна яримтайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлиб, бунинг учун 3 млрд. сўм маблағ йўналтирилган.

қинди утилизация қилиниб, бир марталик полиэтилен плёнкалардан гранула тайёрланмоқда. Лойиҳа доирасида тайёр полиэтилен плёнка ва қувурлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўямиз. Таъкидлаш жоизки, вилоятда 12 та маиший чиқинди полигони мавжуд. Бу ерда йил давомида жами 380 — 400 минг тонна чиқинди йиғилади. Шундан 120 — 130 минг тоннаси 15 та маҳаллий корхонада қайта ишланиб, яримтайёр ва тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»)

МАҲАЛЛА НОМИГА МОС БЎЛМОҚДА

Худудлар инфратузилмасини шакллантириш орқали аҳоли турмуш шароитини яхшилашда «Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла» тамойили асосида амалга ошириляётган ишларнинг аҳамияти катта.

Инфратузилма

Андижон вилоятида ҳам 4 та маҳаллада ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Жумладан, Жалақудук туманидаги «Кутлуг» МФЙда 800 дан ортиқ хонадонларда истиқомат қилувчи салкам уч минг нафар аҳолига қулай шартот яратилмоқда.

зилда аҳолининг табиий газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви таъминоти каби масалаларда узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар мавжуд эди. Шу боис амалга ошириляётган савий-ҳаракатлар маҳалла аҳолининг миннатдорлигига сабаб бўлмоқда.



Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»)

Спорт

ТОҒ ТЎСИҚЛАРИ ЕНГИЛДИ

Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Жўм-Жўм қишлоғида экстремал тоғ туризми бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати якунланди. Уч кунлик мусобақада жами 24 жамоадан 250 нафардан зиёд хорижий ва маҳаллий спортчилар иштирок этди.



Мусобақа қатнашчилари тўрт йўналиш бўйича, яъни пилдлар масофаси, яккалик, жуфтлик (эстафета), аралаш ҳамда жамоа ҳолда ўзаро баҳс олиб борди.

Толибжон ЭРҒАШЕВ («Халқ сўзи»)

РЕКЛАМА

O'ZBEKISTON DAVLAT JAHON TILLARI UNIVERSITETIDA TAYANCH DOKTORANTURA, DOKTORANTURA, STAJOR-TADQIQOTCHILIK VA MUSTAQIL IZLANUVCHILIKKA 2024-YIL UCHUN QABUL KVOTALARI TASDIQLANDI

Qabul kvotalari universitetda faoliyati yo'lg'a o'ting'an ixtisosliklar bo'yicha quyidagicha taqsimlandi:

Table with 6 columns: №, Ixtisoslik shifri va nomi, Tayanch doktorantura, Doktorantura, Maqsadli tayanch doktorantura, Maqsadli doktorantura, Stajor-tadqiqotchilik. It lists various academic disciplines and their respective quotas for 2024.

Talabgorlar taqdim etiladigan hujjatlar ro'yxati va namunalari bilan @doctorate_bot havolasi orqali tanishib chiqishi mumkin. Hujjatlar 2023-yil 15-oktabrgacha http://www.phd.mininnovation.uz sayti orqali qabul qilinadi.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши. Тел: 71-259-74-51; 71-259-74-53; 71-259-74-55.